**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президент таълим муассасалари агентлиги**
**ҳузуридаги Нукус шаҳридаги Президент**
**мактаби директор в.в.б.** ______________
**Насыров М.У.**
**2022 йил «16» Сентябрь**

# Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Нукус шаҳридаги Президент мактабида 157 ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасин харид қилиш учун энг яхши таклифларни

# ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Нукус – 2022 й.**

**МУНДАРИЖА**

I. ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА
II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ
III. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ИЛОВАЛАР

# I. ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

**1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети**

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари ҳузуридаги Нукус шаҳридаги Президент мактабинда 157 ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формасин харид қилиш учун энг яхши таклиф (матн давомида Мактаб формаси деб юритилади).

**Давлат буюртмачиси** – Нукус шаҳридаги Президент мактаби.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартларига кўра ғолибларни танлаш, иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида Танлаш харид комиссияси (матн давомида Комиссия деб юритилади) томонидан аниқланади. Комиссия таркиби Буюртмачи томонидан шакллантирилади.

**Танлашнинг чекланган қиймати:** 316 355 000,00 (Уч юз ўн олти миллион уч юз эллик беш минг) сўм 00 тийин ҚҚС билан бирга;

**Тўлов валютаси** – Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда.

**Молиялаштириш манбаи** – бюджет маблағлари ҳисобидан.

**2. Танлаш доирасида тақдим этиладиган ҳар қандай ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) махфийлиги**

2.1. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар, танлаш ўтказиш вақтида ҳам, у тугагандан сўнг ҳам, баҳолаш тартиботига расмий равишда алоқадор бўлмаган шахсларга хабар қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Махфий маълумотларни ошкор қилганлик учун Комиссияси аъзолари, ишчи гуруҳлар ва/ёки мутахассислар гуруҳи жавобгар бўлади (Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси).

**3. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан тушунтириш бериш**

3.1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (матн давоми Танлаш ҳужжатлари) юзасидан сўров юбориш учун иштирокчилар давлат буюртмачисига ёзма равишда қуйидаги манзилга мурожаат юбориши мумкин:

Нукус шаҳридаги Президент мактаби
Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Олмазор кўчаси, 1А-уй
Тел: (+99861) 224-90-24; (+99897) 353-73-77; (+99897) 649-52-55; (+99893) 920-78-78
e-mail : nukuspm@gmail.com
Масъуллар: Насыров М.У.; Курбанова М.; Атаниязов Т.М.

3.2. Танлаш ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар бериш бўйича сўров, танлаш иштирокчиси томонидан танлаш таклифларини бериш муддати тугашидан камида икки кун олдин ёзма равишда юборилиши мумкин. Давлат буюртмачиси кўрсатилган сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни ичида тушунтириш жавобини юбориши шарт.

**4. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш**

4.1. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Буюртмачи ва Комиссия танлаш натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Танлаш иштирокчиларининг таклифлари, унга боғлиқ ҳужжатлар ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги барча ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши лозим.

4.3. Танлаш иштирокчилари ўз таклифларини электрон шаклда Давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари тизимига (матн давомида - Тизим) жойлаштирилган эълон муддати тугагунга қадар тақдим этишлари мумкин.

4.4. Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

4.5. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар танлашнинг чегараланган қийматидан 1% миқдорида закалат ўтказилиши лозим.

**5. Танлаш таклифига кирадиган ҳужжатлар**

5.1. Танлаш таклифи қуйидагилардан иборат бўлади:
- малакавий саралаш ҳужжатлари (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади);
- техник таклиф (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади);
- нарх таклифи (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади).

**6. Малакавий саралаш ҳужжатлари**

6.1. Малакавий саралаш учун қўйиладиган талаблар:

-танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳақида маълумотнома (маълумотнома шакли 1-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати (кафолат хати шакли 2-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома;

-иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

**7. Техник таклиф**

7.1. Иштирокчи техник таклиф жадвалининг асл нусхасини, ушбу йўриқномага илова қилинган 3-сонли шаклга мувофиқ расмийлаштириб, тизим орқали электрон шаклда тақдим этиш лозим.

7.2. Техник таклиф танлаш ҳужжатининг техник топшириқ қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Белгиланган талабларга нисбатан устун таклифлар билан хизматларни етказиб бериш бўйича таклифларга йўл қўйилади. Бунда устун таклифларни мувофиқлиги ва таклифларни қабул қилиш бўйича қарорлар Комиссия томонидан қабул қилинади.

7.3. II-бўлим, техник топшириқда келтирилган нормалар ва техник топшириқларга мос келмаган таклифлар дисквалификация қилинади, техник хусусияти юқори бўлган хизматлар бундан мустасно.

7.4. Танлаш иштирокчиси танлаш предмети бўлган Хизматларни техник баҳолаш учун Буюртмачига тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тақдимот қилиб бериши лозим. Хизмат тақдимоти Буюртмачи манзилида ўтказилиши лозим. Хизмат тақдимотини ўтказмаган танлаш иштирокчилари танлашдан четлаштирилади.

**8. Нарх таклифи**

8.1. Иштирокчи нарх таклифини тизим орқали электрон шаклда тақдим этиши лозим.

8.2. Иштирокчининг нарх таклифини барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, етказиб бериш, ўрнатиш ва бошқаларни) ўз ичига олиши лозим.

8.3. Ҳар қандай босқичда нархларни кўтарилиш томонга ўзгаришини назарда тутувчи танлаш таклифи танлаш талабларига жавоб бермайдиган деб ҳисобланади ва Комиссия томонидан кейинги кўриб чиқиш рад этади.

**9. Танлаш таклифининг амал қилиш муддати**

9.1. Танлаш иштирокчисининг таклифлари, танлаш таклифларини қабул қилиш тугайдиган кун сифатида белгиланган санадан бошлаб камида бир ой мобайнида кучда қолиши лозим.

9.2. Айрим ҳолларда комиссия танлаш иштирокчисини таклифини амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бундай илтимос ва унга жавоб хат кўринишида расмийлаштиради.

**10. Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби**

10.1. Танлаш ўтказиш тўғрисида эълон муддати тугагандан сўнг танлаш таклифларини баҳолаш учун Комиссия танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганади ва баҳолайди.

10.2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати тижорат таклифлари қабул қилиш сўнги куни тугагандан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

10.3. Иштирокчилар томонидан тақдим этилган электрон таклифда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, Комиссия ушбу таклифни рад этиш хуқуқига эга.

10.4. Комиссия танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонларга кўра баҳолайди.

10.5. Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда сохта маълумотлар аниқланса, Комиссия ушбу иштирокчини танлашдан четлаштиради.

10.6. Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонларга асосан амалга оширилади.

10.7. Иштирокчининг тақдим этган таклифи танлаш ҳужжатлари белгиланган талабларига жавоб бермаса, Комиссия таклифни рад этади.

10.8. Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Комиссия танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу жараён белгиланган тартибда расмий ёзма равишда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятига, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

10.9. Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган (энг кўп балл олган) танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

10.10. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

10.11. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси Комиссиянинг барча аъзолари томонидан электрон шаклда имзоланади.

10.12. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг, танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларига ойдинлик киритиш тўғрисида сўров юбориш хуқуқига эга. Буюртмачи бундай сўровни олган кундан бошлаб уч кун иш куни мобайнида иштирокчига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

**11. Иштирокчиларни малакавий саралашдан ўтказиш тартиби**

11.1. Танлашда иштирок этиш учун малакавий саралаш ўтказилганда танлашнинг қуйидаги иштирокчилари четлаштирилади:

белгиланган муддатда малакавий саралаш учун барча талаб этилган ҳужжатларни тақдим қилмаган;

шартнома тузишга ваколатли бўлмаган;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлган;

қайта ташкил қилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

тугатиш босқичида бўлган;

давлат буюртмачиси билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;

инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида бўлган;

давлат буюртмачиси билан аввал тузилган шартномалар бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни тегишлича бажармаган;

муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

11.2. Инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида бўлган танлаш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот порталига мурожаат қилади.

11.3. Малакавий саралашдан ўтказиш ёки ўтказишдан рад этиш тўғрисидаги қарор Комиссия аъзолари томонидан қабул қилинади.

**12. Шартномани имзолаш**

12.1. Танлаш хужжатининг III-бўлимида келтирилган шаклга мувофиқ танлаш иштирокчиси билан 10 (ўн) кун мобайнида танлашнинг ғолиб бўлган иштирокчиси давлат буюртмачиси билан тегишли шартномани имзолаши лозим.

12.2. Танлаш ғолиби танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижрочиси танлаш ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

12.3. Миқдорий, сифат ва техник параметрлари бўйича шартномани бажармаган танлаш ғолиби қонун ҳужжатлари ва/ёки шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

**13. Танлашни ўтказилмаган деб эълон қилиш**

13.1. Танлаш қуйидаги ҳолатларда Комиссия томонидан танлаш ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин:

танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган бўлса;

таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия барча таклифларни рад этган бўлса;

фақатгина битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса танлаш ўтказилмаган деб топилади.

Танлаш талабларига доир бирор ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлганда Комиссия асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

# II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Нукус шаҳридаги Президент мактабида 157 ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формасин харид қилиш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| | |
|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари Агентлиги 2022 йил 26 августдаги **“Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини жорий этиш”** тўғрисидаги **88-AF-сон буйруғи** билан тасдиқланган (кейинги ўринларда – Буйруқ) Агентлик тизимидаги мактабларда ўқувчиларни замонавий ягона мактаб формасини жорий этиш тартибини белгилайди. |
| 2 | Мактабларда ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формасин Буйруқда белгиланган тартиблар ва қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. |
| 3 | Иштирокчилар ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формаси бўйича таклиф қилинаётган товар учун расмдагидек (4-илова) Буюртмачига тақдим этишлари лозим. |
| 4 | Товарлар етказиб бериш муддати – “60” кун. |
| 5 | Ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формасини буюртмачининг адресига келиб ўлчаш шарт . |

# III. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ИЛОВАЛАР

1 - сонли илова

<u>*(Иштирокчининг фирма бланкасида)*</u>

**Ташлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар**

*[Танлаш иштирокчиси қуйида келтирилган йўриқномаларга мувофиқ ушбу шаклни тўлдириши лозим. Таклиф қилинган форматда ҳеч қанақа ўзгартиш ва алмаштирувга йўл қўйилмайди.]*

Сана: *[танлаш таклифи берилган сана (йил, кун, ой) ёзилсин]*

№ ___________________

| |
|---|
| 1. Танлаш иштирокчиси номи *[Иштирокчининг расмий номи ёзилсин]* |
| 2. Танлаш иштирокчиси рўйхатга олинган манзил: *[рўйхатга олинган ҳақиқий мамлакат номи ёзилсин]* |
| 3. Танлаш иштирокчиси рўйхатга олинган гувоҳнома маълумотлари: *[рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувохномада кўрсатилган сана, қайд рақами, танлаш иштирокчисининг рўйхатга олиш органи номи ёзилсин]* |
| 4. Банк реквизитлари: |
| 5. Таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав капитали *(устав фонди, устав жамғармаси ёки бошқа)* нинг микдори _________________ |
| 6. Танлаш иштирокчисининг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар:<br>- *[таъсисчиларнинг тўлиқ исми ёзилсин]*<br>- ... |
| 7. Фаолиятнинг асосий йўналишлари: *[асосий фаолият йўналиш кўрсатилсин]* |

2 - сонли илова

<u>*(Иштирокчининг фирма бланкасида)*</u>

**Танлаш харид комиссияси раисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Танлаш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ушбу кафолат хати билан биз ______________________________(*танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи*) қуйидагиларни:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигимизни;
- Давлат буюртмачиси (*Давлат буюртмачиси тўлиқ номи*) билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида эмаслигимизни;
- Давлат буюртмачиси (*Давлат буюртмачиси тўлиқ номи*) билан илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг мавжуд эмаслигини;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслигимизни тасдиқлаймиз.

Ф.И.О. *[корхона раҳбари ёки ишончномага мувофиқ вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин].*

_______________ *[таклифини имзолаган масъул шахснинг лавозими кўрсатилсин].*

_______________ *[фамилияси юқорида қайд қилинган масъул шахснинг имзоси].*

*м.ў.*

3 - сонли илова

*(Иштирокчининг фирма бланкасида)*

№ __ва__ сана

__________ сонли лот бўйича **техник таклифи** жадвали

| № | Товар номи | Техник таклиф |
|---|---|---|
| 1 | … | *[Таклиф этилаётган товар тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилиши лозим]* |
| 2 | … | *[Таклиф этилаётган товар тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилиши лозим]* |
| | | |

**Кафолат муддати ________________________**

**Етказиб бериш муддати ________________**

*[Сервис кўрсатиш бўйича маълумотлар илова қилиниши лозим]*

**Бошқа техник маълумотлар ___________________________**

Ф.И.О. *[корхона раҳбари фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин].*

«_____________________________» *[таклифни имзолаган масъул шахснинг лавозими кўрсатилсин].*

«_____________________» *[фамилияси юқорида қайд қилинган масъул шахснинг имзоси].*

м.ў.

4-сонли илова

# НУКУС ШАҲРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ЯГОНА МАКТАБ ФОРМАСИНИНГ ШАКЛЛАРИ

| № | КИЙИМ НОМИ | СОНИ | РАНГИ ВА ДИЗАЙНИ | ИЗОҲ | МАХСУС ТАЛАБЛАР | КЎРИНИШИ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЎҒИЛ БОЛАЛАР УЧУН (5-11-СИНФЛАР)** | | | | | | |
| 1 | ПИДЖАК | 1 | Тўқ кўк, классик услубда, ёқа четларига оқ кант билан ишлов берилган. | Пиджак классик бичимда, инглизча услубдаги ёқали ва четларига 0.3 см ли ичига арқонча солинган оқ кант билан ишлов берилган. Бу оқ кант ёқанинг тепа қисмидан бошланиб этак қисмидаги айлана шакл тугашига қадар давом этади. Пиджакка 2 дона D=2.0 см катталикдаги 4 та тешикли тугма тикилади, тугма тешиги горизонтал холатда кўз шаклида ўйиб очилади. Пиджакнинг пастдаги икки чўнтагидаги 0,6 см ли мағизи ҳам асос тикилаётган матонинг оқ рангидан тикилади. Пастки икки чўнтак клапанлари баландлиги 4,5-5,5 см, узунлиги асос ўлчамига қараб 12-13 см бўлади. Ўғил болалар пиджаги қизлар пиджагидан ташқи кўринишидаги асосий фарқ юқоридаги чап кўкрак чўнтакнинг мавжудлигида ва бу чўнтак чап томони ўнг томонга нисбатан 1,5 см юқорига кўтарилгани, шу билан бирга чўнтакнинг 1,5 см ли юқори қисми осос тикилаётган бўлса, пастки 0,5 см дан иборат қисми шу матонинг оқ рангидан тикилганидир. Пиджак енгида 3 та D=1,5 см ли 4 та тешикли кўк тугма ва тешиб очилмаган, лекин горизонтал тикилган тугма тақилган кўринишни берувчи умумий кўриниш мавжуд. Енги узунасига 2 бўлак бичимдан иборат. Пиджакнинг олд қисмида тана шаклини билдириш учун выточка бор. Орқа қисми эса икки бўлакдан иборат, ўртасида асос ўлчамига қараб 15-20 см ли шлица бўлиши керак. Пиджак астари 100 % полиэстердан ташкил топган кўк рангли астардан тикилади. Астарга ички 2 та кўкрак | Пиджак астаридаги пастки ички чўнтак ичига махсус 4 см энли кийим қоғозига 8 см узунликда “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT TA’LIM MUASSASALARI AGENTLIGI MAKTABI” ёзуви ва унинг тагида ўқувчининг фамилияси, исми, синфи учун жой қолдирилган бўлади, ундан пастрокда жадвал ичида артикуль, размер, дропп, мато ранги, мато таркиби ёзилади. Бу махсус қоғоз энг пастида: “2022-2023 o’quv yili uchun O’zbekistonda ishlab chiqarilgan” деган ёзув бўлади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | чўнтак ва пастки 1 та чап томондаги ички чўнтак тикилади. | | |
| 2 | ЯРИМ КЛАССИК УСУЛДАГИ ШИМ | 2 | Тўқ кўк, ярим классик услубда | Шим ярим классик бичимда, олди томинида мағиз кўринишини берувчи махсус ишлов берилган 2 та чўнтаги бор, орқа томонида ҳам 2 та чўнтаги булади ва ҳар бир орқа чўнтак 2 чети 1 см баландликла бўлиб, тера қисми текис, аммо пастки қисми чўнтак ўртасига қараб 3 см гача пасайган ва кўринишидан учбурчак шаклини эслатувчи шаклга эга. Чўнтак тагига ички томондан 1 дона D=1.5 см ли, 4 та тешикли тугма тикилади, устки томонига вертикал ҳолатда кўз шаклидаги тугма учун тешик очилган бўлади. Шим белида жами 6 та камар тақиш учун мўлжалланган илгак мавжуд бўлади. Шим белининг орқа қисми ўртасида кейинчалик кенгайтириш имконияти бўлиши учун запас қолдириб тикилади. Олд томонида оддий замок ва тепасидаги тугма учун тешиги горизонтал ҳолатда тешик очилади. Шимнинг ташқи ён чоки устидан бир катор устки чок юритилади. | Шимнинг бел қисми ички томонига махсус 4 см энли кийим қоғозига 8 см узунликда “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT TA’LIM MUASSASALARI AGENTLIGI MAKTABI” ёзуви ва унинг тагида ўқувчининг фамилияси, исми, синфи учун жой қолдирилган бўлади, ундан пастрокда жадвал ичида артикуль, размер, дропп, мато ранги, мато таркиби ёзилади. Бу махсус қоғоз энг пастида: “2022-2023 o’quv yili uchun O’zbekistonda ishlab chiqarilgan” деган ёзув бўлади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |
| 3 | БЎЙИНБОҒ | 1 | Тўқ кўк | Бўйинбоғ узунлиги ўғил болаларда шим камаридан 2 см узун бўлади. Боғланган тайёр бўйинбоғ ичига пластмассадан кўтаргич қўйилади, орасидан 0.5 см ли қора лентага илгак ўрнатилади. Илгакда ҳам катта ва кичик қилиш мумкин бўлган темири бўлади. 5,-6,-7-синф ўқувчиларига тайёр боғланган ёки ихтиёрларига қараб боғланадиган бўлади, 8,-9,-10,-11-синф ўқувчиларига боғланадиган бўйинбоғ тикилади. Тақилганда юқоридан 5-10 см пастда жойлашадиган мактаб белгиси тўқиб тикилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |  |
| 4 | ЛОГОТИПЛИ КЛАССИК КЎЙЛАК | 2 | Оқ, классик | Классик бичимда, олдида ёқадан этаккача тугма, енги узун, чап кўкрак кисмида 3 см. ли мактаб белгиси тўқиб тикилади, енгида манжет ва катта-кичик қилиш учун 2 та тугма, орқа томонида икки қаватли 8-10 см баландликдаги кокеткаси бўлади, кокеткадан пастки қисми 1 бўлакдан иборат, лекин ўртасида 2,5 см ли тахлов мавжуд. Ўғил болалар учун 7 та D=1 см ли тугма ўнг томонда тикилади, ҳамда олд қисми бир бутун бичилади, хеч қандай бурмалар бўлмайди. Ёқа учларига ёқани қаттиқ тутиб турувчи махсус фурнитура ишлатилиши лозим. Кўйлакнинг енгидаги манжет баландлиги 6-7 см бўлади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |
| 5 | ЛОГОТИПЛИ ТЎҚИЛГАН НИМЧА | 1 | Олди тўқ кўк, орқаси тўқ кулранг. | Нимчанинг чап кўкрак қисмида мактаб белгиси D=8 см катталикда кулранг ипда тўқиб тикилган бўлади, ёқа ўйими бўйинбоғ кўринадиган катталикда учбурчак шаклда бўлади. Ўғил болалар нимчасида елка томони кенгроқ, кўкрак қисми ва бел қисми кенглиги тенг қилиб тўқилган бўлади. Пахта ва вискоза аралашмасидан | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | тайёрланган тола ювилганда кичрайиш хусусиятига эга бўлганлиги учун тайёрланган маҳсулот мактаб логотипи тўқиб туширилишидан олдин силикон ва юмшатувчи воситалар ёрдамида махсус ишлов берилиши лозим. Тўқилган нимчанинг пасидаги 5-6 см ли резинка вазифасини бажарувчи манжети 1 қатор кулранг ва 1 қатор тўқ кўк иплар алмашинуви ҳолатида 1 та ўнг ва 1 та чап тўқиш усули асосида тўқилади. Пастки манжет ўз вазифасини яхши ўташи учун фақат пастки манжетга спандекс 5% таркибда қўшимча сифатида ишлатилади. Ёқа ўйими ва енг ўйимларидаги 2-3 см ли манжетлар хам юқорида таъкидлаб ўтилган 2 хил рангдаги ипдан тўқилади. Нимча асоси текис 1 қатор ўнг ва 1 қатор чап тўқиш усулида тўқилади. | гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |
| 6 | ЛОГОТИПЛИ ТРИКОТАЖ КЎЙЛАК, ЕНГИ УЗУН | 1 | Оқ (енги узун), трикотаж | Кўйлак олдида ёқадан ўртасида спиралли замок тикилади, енги узун, енг учи ва этак учида 6 см ли манжети бўлади, манжети рибана матосидан тикилади. Кўйлак ёқаси хам ёқа учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва кўйлак ўлчамига қараб қолган 4-6 см қисми оқ рангли бўлади. Ёқанинг ички томонига 1 см қалинликдаги махсус 100% пахта таркибли лента билан ишлов берилади. Чап кўкрак кисмида 8 см ли мактаб белгиси оч кул рангида тўқиб тикилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | ЛОГОТИПЛИ ТРИКОТАЖ КЎЙЛАК, ЕНГИ КАЛТА | 1 | Оқ (енги калта), трикотаж | Кўйлак олд томон ўртасида ёқадан спиралли молния бўлади, енги калта, енг учида 2 см ли ёқа матосидан учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва 1 см оқ рангли манжети бўлади. Кўйлак ёқаси ҳам ёқа учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва колган кўйлак ўлчамига караб 4-6 см ок рангли бўлади. Ёқа ички томони 1 см қалинликдаги махсус 100% пахта таркибли лента билан ишлов берилади. Чап кўкрак кисмида 8 см ли мактаб белгиси оч кул рангида тўқиб тикилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |
| 8 | ЛОГОТИПЛИ ФУТБОЛКА ЕНГИ КАЛТА | 1 | Оқ (енги калта) | Футболканинг ёқа ўйими думалок; 1,7 см қалинликдаги рибана матосидан ишлов берилган; олди чап кўкрак қисмида мактаб белгиси D=8 см катталикда доира шаклида, орқа қисмида эса D=22 см катталакда бутун орқа қисмни эгаллайдиган қилиб шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилади, ўғил болалар футболкасида кенг кўриниш берадиган стандарт бичимдан фойдаланилади. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | ЛОГОТИПЛИ СПОРТ УСТКИ КИЙИМИ | 1 | Тўқ кўк ва оч кулранг | Устки спорт кийимининг олди чап кўкрак қисмида D=8 см ва орқа қисмида D=22 см катталикда бутун орқа қисмни эгаллайдиган қилиб шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилган бўлади, икки ёнида молнияли чўнтак бўлади, молния эни 2,2 см узунлиги 13-14 см ли манжет билан тагида тикилади. Енгининг ён томони 6 см ли, ёқасининг ички томонида рибанадан тикилган 6,5 см баландликдаги бутун қисми, енгининг учидаги 6 см ли рибана матосидан тикилган манжети ва пастки этак қисмидаги 6 см ли рибанали манжетига оч кулрангдан фойдаланилади. Олимпика олд қисми ўртасидаги молния ички томонида 5-6 см ли қўшимча матодан фойдаланилади. Ёқа ва тана бирлаштирилган орқа қисмда 100 % пахта таркибдаги тўқ кўк супрем матоси билан ишлов берилган бўлади. Енг кисмидаги 5 см қалинликдаги оч кулранг мато ёқа тагидан бошлаб енг манжетига қадар давом этади. Ушбу устки кийим ўғил болалар учун мўлжалланган бўлганлиги учун махсус балоғат ёшидаги ўғил болалар ўлчамига мослаштирилган андоза ёрдамида тикилиши лозим. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |
| 10 | ЛОГОТИПЛИ СПОРТ ПАСТКИ КИЙИМИ | 1 | Тўқ кўк ва оч кулранг | Спорт шалварининг чап оёқ қисмида белдан ўлчамига қараб 20-25 см пастдан бошлаб D8 см катталикда шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилган бўлади; икки олд ёнида молнияли чўнтак бўлади, замог эни 2,2 см, узунлиги 13-14 см ли манжет билан қопланган тарзда тикилади. Икки ён томони ва тагидаги манжетига ҳам оч кулранг матодан фойдаланилади. Шалвар белига 4 см ли резинкадан фойдаланилади. Шалварнинг бел қисмидан пастки манжетигача икки ён томонига 6 см ли оч кулранг футердан ишлатилади. Ёқа ва манжетлар рибанадан тикилади. Шалвар бичимида махсус ўғил болалар учун мўлжалланган андозадан фойдаланилади. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | ОЁҚ КИЙИМ ЛОГОТИПЛИ | 1 | Тўқ кўк | Матоли ярим спорт услубида тикилган, дарс машғулотлари учун мўлжалланган оёқ кийим устки қисми ҳавони яхши ўтказадиган трикотаж матосидан тўқилган бўлиши зарур. Оёқ кийим устки қисмида тўқ кўк ипак ипдан D=3,5 см катталикда мактаб логотипи ипак ипда тўқиб тикилади. Бу оёқ кийимни ҳар куни кийиш учун ҳам мўлжаллангани учун тагига қўйилган патаги олиб ювиш учун мўлжалланган булиши керак. Оёқ кийим устки матосининг икки четида 3 тадан 9 дп горизонтал ҳолатдан 45 градусга ўнгдан чапга қараб кўтарилган 0,3 см қалинликдаги оқ чизиқлари бўлади. Ўғил болалар оёқ кийими модели қизларникидан фарқи оёқнинг тўпиқ қисмига қадар кўпроқ кўтарилган қилиб тўқилишидадир. Ўғил болалар оёқ кийими таг қисми оқ рангда ва ташқи кўриниши гулсиз текис кўринишли бўлади. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

| ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН (5-11-СИНФЛАР) | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ПИДЖАК | 1 | Тўқ кўк, ёқа четларига ок кант билан ишлов берилган. | Қиз болалар пиджаги ўғил болалар пиджаги билан деярли бир хил. Ўғил болалар пиджагидан ташқи кўринишидаги асосий фарқ юқоридаги чап кўкрак чўнтакнинг ўғил болаларда борлиги, қизларда эса йўқлиги билан фаркланади. Пиджакнинг олд қисмида тана шаклини билдириш учун виточка ўғил болаларники белнинг энг ингичка қисмидан бошланган бўлса, қиз болаларда бу виточка энг тепадаги елка чокдан бошланиб этак қисмига қадар давом этган бўлади. Орка қисми эса икки бўлакдан эмас, қизлар ўлчамига кўпроқ мос тушиши учун 4 бўлакдан иборат, ўртасида ҳам ҳеч қандай шлица бўлмайди. Қолган кўрсатмалар ҳаммаси ўғил болалар пииджаги билан мос равишда тикилади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Пиджак астаридаги пастки ички чўнтак ичига махсус 4 см энли кийим қоғозига 8 см узунликда “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT TA’LIM MUASSASALARI AGENTLIGI MAKTABI” ёзуви ва унинг тагида ўқувчининг фамилияси, исми, синфи учун жой қолдирилган бўлади, ундан пастрокда жадвал ичида артикуль, размер, дропп, мато ранги, мато таркиби ёзилади. Бу махсус қоғоз энг пастида: “2022-2023 o’quv yili uchun O’zbekistonda ishlab chiqarilgan” деган ёзув бўлади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | ЮБКА | 2 | Тўқ кўк | Юбка трапеция шаклида, астарли, чап томонида 20 см ли кўринмайдиган молния тикилади, белида махсус тугма учун тешиклари мавжуд булган резинка юбка белининг фақат орқа томонига тикилади ва молниянинг қарама-қарши томонига 1 дона R1.5 см ли, 4 та тешикли тугма тикилади, зарур ҳолатларда белдаги мавжуд резинка юбка бели ва астари орасидан тортиб тугма ёрдамида юбка белини торайтириш вазифасини бажаради. Резинка учун юбканинг тепа чокидан пастга қараб 3 см баландликда чок юритилади, бу чок 2 см қалинликдаги махсус тешикли резинка учун йўлакча сифатида ишлатилади. Олд ва орқа томонида юбканинг тепа қисмида ўлчамга қараб 9 см дан 15 см гача баландликдаги кокетка бўлади. Олд қисмида 6 та: 3 та чап 3 та ўнг томонга қараган складкаси бўлади, складкалар ўртаси текис 10 см булади, 3 та складканинг очиқ томониён чокка қараб очилган бўлади. Олди кокеткасида 6 та 2 қатор тугмаси бўлади, тугмалар юбка ўртасидан 3,5-4,5 см ўнг ва чапга узоқлаштириб тикилган. Юбканинг орқа томони кокетка трапеция шаклида текис бичимда, хеч қандай складкасиз бўлади. Узунлиги тиззадан 5-15 см пастда. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Юбканинг бел қисми ички томонига махсус 4 см энли кийим қоғозига 8 см узунликда "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT TA'LIM MUASSASALARI AGENTLIGI MAKTABI" ёзуви ва унинг тагида ўқувчининг фамилияси, исми, синфи учун жой қолдирилган бўлади, ундан пастрокда жадвал ичида артикуль, размер, дропп, мато ранги, мато таркиби ёзилади. Бу махсус қоғоз энг пастида: "2021-2022 o'quv yili uchun O'zbekistonda ishlab chiqarilgan" деган ёзув бўлади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | БЎЙИНБОҒ | 1 | Тўқ кўк | Бўйинбоғ узунлиги қизлар учун юбка белигача узунликда бўлади. Боғланган тайёр бўйинбоғ ичига пластмассадан кўтаргич қўйилади, орасидан 0.5 см ли қора лентага илгак ўрнатилади. Илгакда ҳам катта ва кичик қилиш мумкин бўлган темири бўлади. 5,-6,-7-синф ўқувчиларига тайёр боғланган ёки ихтиёрларига қараб боғланадиган бўлади, 8,9,10,11 синф ўқувчиларига боғланадиган бўйинбоғ тикилади. Тақилганда юқоридан 5-10 см пастда жойлашадиган мактаб белгиси кашта усултда тикилади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |
| 4 | ЛОГОТИПЛИ КЛАССИК КЎЙЛАК | 2 | Оқ | Классик бичимда, олдида ёқадан этаккача тугма, енги узун, чап кўкрак кисмида 3 см. ли мактаб белгиси кашта усулида тўқиб тикилади, енгида манжет ва катта-кичик қилиш учун 2 та тугма, орқа томонида икки қаватли 4-6 см баландликдаги кокеткаси бўлади, кокеткадан пастки қисми 3 бўлакдан иборат. Қизлар учун 7 та R 1 см ли тугма чап томонда тикилади, ҳамда олд кўкрак бурмаси елка чокдан 7-10 см пастдан ярим доира шаклда бошланиб этакка қадар давом этади. Ёқа учларига ёқани қаттиқ тутиб турувчи махсус фурнитура ишлатилиши лозим. Кўйлакнинг енгидаги манжет баландлиги 6-7 см бўлади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган, ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | | |
| 5 | ЛОГОТИПЛИ ТЎҚИЛГАН НИМЧА | 1 | Олди тўқ кўк, орқаси тўқ кулранг. | Қиз болалар нимчаси ўғил болалар нимчасидан фарқ қиладиган жойи тўқилишида бўлади. Нимчанинг елка томони қисқароқ, кўкрак қисми кенгроқ, бел қисми ингичкароқ қилиб тўқилган бўлади. Қолган барча кўрсатмалар ўғил бола нимчасига мос келади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | ЛОГОТИПЛИ ТРИКОТАЖ КЎЙЛАК, ЕНГИ УЗУН | 1 | Оқ (енги узун) трикотаж | Кўйлак олдида ёқадан 12-15 см пастга ўртасидан 3 та R 1 см ли тугма, енги узун, енг учи ва этак учида 6 см ли манжети бўлади, манжети рибана матосидан тикилади. Кўйлак ёқаси ёқа учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва кўйлак ўлчамига қараб қолган 4-6 см қисми оқ рангли бўлади. Ёқанинг ички томонига 1 см қалинликдаги махсус 100% пахта таркибли лента билан ишлов берилади. Чап кўкрак кисмида 8 см ли мактаб белгиси кашта усулида тўқиб тикилади. Қиз болаларда тугма чап томонга ўрнатилади ва бичилишида қизларга мос андозадан фойдаланилади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | ЛОГОТИПЛИ ТРИКОТАЖ КЎЙЛАК, ЕНГИ КАЛТА | 1 | Оқ (енги калта) трикотаж | Кўйлак олдида ёқадан 12-15 см пастга ўртасидан 3 та тугма, енги калта, енг учида 2 см ли ёқа матосидан учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва 1 см оқ рангли манжети бўлади. Кўйлак ёқаси ҳам ёқа учидан бошлаб 0,5 см оқ, 0,5 см оч кул ранг ва колган кўйлак ўлчамига қараб 4-6 см оқ рангли бўлади.ёқа ички томони 1 см қалинликдаги махсус 100% пахта таркибли лента билан ишлов берилади. Чап кўкрак қисмида 8 см ли мактаб белгиси тўқиб тикилади. Қиз болаларда тугма чап томонга ўрнатилади ва бичилишида қизларга мос андозадан фойдаланилади. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 8 | ЛОГОТИПЛИ ФУТБОЛКА ЕНГИ КАЛТА | 1 | Оқ (енги калта) | Футболканинг ёқа ўйими думалоқ; 1,7 см қалинликдаги рибана матосидан ишлов берилган; олди чап кўкрак қисмида мактаб белгиси R8 см катталикда доира шаклида кашта усулида тикилади, орқа қисмида эса R22 см катталакда бутун орқа қисмни эгаллайдиган қилиб шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилади, қиз болалар футболкасида кўкрак қисми кенгайтирилган, бел қисми ингичкалаштирилган ва қизлар учун мос андозадан фойдаланганлиги билан ўғил болалар футболкасидан фарқ қилади. Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | ЛОГОТИПЛИ СПОРТ УСТКИ КИЙИМИ | 1 | Тўқ кўк ва оч кулранг | Спорт устки кийимининг олди чап кўкрак қисмида R8 см ва орқа қисмида R22 см катталикда бутун орқа қисмни эгаллайдиган қилиб шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилган бўлади, икки ёнида молнияли чўнтак бўлади, молния эни 2,2 см узунлиги 13-14 см ли манжет билан тагида тикилади. Енгининг ён томони 6 см ли, ёқасининг ички томонида рибанадан тикилган 6,5 см баландликдаги бутун қисми, енгининг учидаги 6 см ли рибана матосидан тикилган манжети ва пастки этак қисмидаги 6 см ли рибанали манжетига оч кулрангдан фойдаланилади. Олимпика олд қисми ўртасидаги молния ички томонида 5-6 см ли қўшимча матодан фойдаланилган. Ёқа ва тана бирлаштирилган орқа қисм 100 % пахта таркибдаги тўқ кўк супрем матоси билан ишлов берилган бўлади. Енг қисмидаги 5 см қалинликдаги оч кулранг мато ёқа тагидан бошлаб енг манжетига қадар давом этади. Ушбу устки кийим қизлар учун мўлжалланган бўлганлиги учун махсус қизлар ўлчамига мослаштирилган андоза ёрдамида тикилиши лозим. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |   |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 10 | ЛОГОТИПЛИ СПОРТ ПАСТКИ КИЙИМИ | 1 | Тўқ кўк ва оч кулранг | Спорт шалварининг чап оёқ қисмида белдан ўлчамига қараб шелкография усулидан фойдаланган ҳолда мактаб белгиси туширилган бўлади, икки олд ёнида молнияли чўнтак бўлади, молния эни 2,2 см узунлиги 13-14 см ли манжет билан тагида тикилади. Енгининг ён томони 6 см ли, ёқасининг ички томонида рибанадан тикилган 6,5 см баландликдаги бутун қисми, енгининг учидаги 6 см ли рибана матосидан тикилган манжети ва пастки этак қисмидаги 6 см ли рибанали манжетига оч кулрангдан фойдаланилади. Ушбу кийим қизлар учун мўлжалланган бўлганлиги учун махсус қизлар ўлчамига мослаштирилган андоза ёрдамида тикилиши лозим. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |
| 11 | ОЁҚ КИЙИМ ЛОГОТИПЛИ | 1 | Тўқ кўк | Матоли ярим спорт, кунлик дарс машғулотлари учун мўлжалланган оёқ кийим устки қисми ҳавони яхши ўтказадиган трикотаж матосидан тўқилган бўлиши зарур. Оёқ кийим устки қисмида тўқ кўк ипак ипдан D=3,5 см катталикда мактаб логотипи ипак ипда тўқиб тикилади. Бу оёқ кийимни ҳар куни кийиш учун ҳам мўлжаллангани учун тагига қўйилган патаги олиб ювиш учун мўлжалланган булиши керак. Оёқ кийим устки матосининг икки четида 3 тадан 9 дп горизонтал ҳолатдан 45 градусга ўнгдан чапга қараб кўтарилган 0,3 см қалинликдаги оқ чизиқлари бўлади. Қиз болалар оёқ кийими модели ўғил болаларникидан фарқи оёқнинг тўпиқ қисмига камроқ кўтарилган қилиб тўқилишидадир. Қиз болалар оёқ кийими таг қисми оқ рангда ва ташқи кўриниши соч ўрими кўринишини эслатувчи гулли бўлади. | Ҳар бир ўқувчи учун ўлчамида индивидуал ёндошув талаб қилинади ва кийимлар адашиб қолмаслиги учун ҳар бир ўқувчи кийимининг ички қисмига махсус рақамланган ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган 1 дан 157 гача бўлган логотипли ёрлиқ тикиб берилади. |  |

Изоҳ: Президент мактаблари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасининг шаклида белгиланмаган қўшимча меъёрлар ҳудудларнинг иқлим шароитининг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб, ҳар ўқув йили якунига қадар Президент мактаблари директорлари томонидан ягона мактаб формасининг техник меъёрларини ишлаб чиқишда инобатга олинади.

## 2. Таклифнинг техник қисмини баҳолаш

Таклифларнинг техник қисмини баҳолаш Танлаш ҳужжатларига асосан, Комиссия томонидан (зарур ҳолларда мутахассис жалб қилган ҳолда) амалга оширилади. Таклифнинг техник қисмида иштирокчи томонидан тақдим этилган намуна баҳоланади. Техник таклиф учун бериладиган умумий балл 60 баллни ташкил этади. Техник баҳолашдан ўтмаган (баллар натижаларига кўра 40 балл ва ундан кам балл тўплаган) Танлаш иштирокчиларининг таклифлари кейинги кўриб чиқишдан рад этилади.

**Техник баҳолаш мезонлари**

| № | Мезон | Изоҳ |
|---|---|---|
| 1 | Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган махсулот сифатига кўра тегишли балл билан баҳоланади | Максимал бериладиган<br>балл – 60 балл<br>Техник таклиф тақдим этилмаса - 0 балл |

## 3. Таклифнинг нарх қисмини баҳолаш

Харид комиссияси томонидан таклифларнинг нарх қисми иштирокчиларнинг электрон тижорат таклифлари асосида тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади. Таклифнинг нарх қисми учун максимал бериладиган балл 20 баллни ташкил этади. Энг паст нарх/қиймат энг юқори балл билан бахоланади. (максимал балл индикаторнинг минимал кўрсаткичга берилади)

## 4. Таклифларни комплекс баҳолаш

Таклифларни комплекс баҳолаш харид комиссияси томонидан олинган қуйидаги маълумотлар натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

1). Техник-малакавий қисмини баҳолаш;

2). Нарх қисмини баҳолаш

| № | Мезон | | Барча тоифалар бўйича умумий баҳолаш<br>100 балл |
|---|---|---|---|
| 1. | **Техник-малакавий қисмини баҳолаш** | | **80 балл** |
| | 1.1 | Малакавий қисм | 20 балл |
| | 1.2 | Техник қисм | 60 балл |
| 2. | **Нархни баҳолаш** | | **20 балл** |
| | 2.1 | Нарх қисми | 20 балл |